

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТУЙЧИЕВ ХАЙРУЛЛО ЭРГАШОВИЧ

**АДАПТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ-
ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(“Профессионал таълим” йўналиши мисолида)**

13.00.05 – Касб–ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertstion of philosophi (PhD)
on pedagogical sciences**

Туйчиев Хайрулло Эргашович

Адаптив ёндашув асосида талабаларнинг касбий-педагогик
компетенцияларини такомиллаштириш (“Профессионал таълим”
йўналиши мисолида)..... 3

Туйчиев Хайрулло Эргашович

Совершенствование профессионально-педагогических
компетенций студентов на основе адаптивного подхода
(на примере направления «Профессиональное образование»)..... 25

Tuychiev Khayrullo Ergashovich

Improving the professional and pedagogical competence of students
based on an adaptive approach (on the example of the direction
"Vocational education")..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТУЙЧИЕВ ХАЙРУЛЛО ЭРГАШОВИЧ

**АДАПТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ-
ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(“Профессионал таълим” йўналиши мисолида)**

13.00.05 – Касб–ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.Phd/Ped3809 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.iirpo.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилова Зухра Карабаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муслимов Нарзулла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич
психология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, профессионал таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 Илмий кенгашнинг 2022 йил 21.10.2022 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871)246-92-17; факс: (99871)246-92-17; E-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz, devonxona@iirpo.uz)

Диссертация билан Педагогик инновациялар, профессионал таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 66 рақами билан рўйхатга олинган).

(Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17).

Диссертация автореферати 2022 йил 28.09.2022 куни тарқатилди

(2022 йил 28.09.2022 даги 28 рақамли реестр баённомаси).


Ғ.Х.Джуроев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, доцент
С.Ю.Ашурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.н., профессор
Х.Ш.Қодиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар таълим тизимида компетенциявий ёндашув асосида ўқув жараёни субъектларининг таянч компетенцияларини ривожлантириш тажрибасидан бугунги кунда самарали фойдаланилмоқда. Жумладан, АҚШ, Германия, Англия, Нидерландия, Австрия, Россия каби давлатларда талабаларда таянч ва касбий компетенцияларни шакллантириш соҳасида самарадорликка эришилмоқда. Бу эса, ўз навбатида Европа давлатларида компетенциявий ёндашув асосида талабаларни ижтимоий фаолиятга тайёрлаш, олган билимларини ижтимоий ва касбий вазиятларда синаб кўриш, ахборотлар билан фаол ишлаш компетенцияларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида устувор йўналишлар сифатида ўз аксини топган. Олий маълумотга эга бўлиш жаҳон миқёсида муҳим эҳтиёж бўлиб қаралмоқда, шу билан бирга олий таълим муассасасидаги талабаларнинг таълим жараёнига педагогик мослашиши ҳамда талабаларнинг ақлий қобилияти ва тафаккурини ривожлантириш, мослашишнинг адаптив маҳанизмларини янада ривожлантириш энг долзарб муаммолардан бири хисобланади.

Дунёда педагогика ва психология соҳасидаги тадқиқотларнинг алоҳида йўналиши талабаларда назарий ва амалий, инновацион, креатив, рационал ва иррационал, танқидий ва техник тафаккурни шаклланиш хусусиятлари, бунда унинг тушунчалар аппарати кенгайтирилиши, педагогикада юзага келаётган интегратив ҳудудлар, кадриятлар ва таълим мазмунини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур йўналишда, айниқса талабаларнинг олий таълим муассасасига педагогик мослашишининг адаптив механизми ҳамда талабаларнинг адаптив қобилиятларини аниқлаш ҳамда ривожлантириш масалаларига кенг эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда талаба ёшларни олий таълим муассасаларига педагогик мослашиши, талаба-ёшларни ақлий салоҳиятини ривожлантириш борасида улкан ишларни амалга ошириш натижасида бўлажак мутахассислар тайёрлашнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари ва ахборот-методик имкониятлари кенгайтирилмоқда. Олий таълим муассасаларида талабаларни касбий-педагогик компетенцияларини ривожлантириш жараёнида таълим муҳитига мослашиш кўникмасини шакллантириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар таҳлил қилинганда, уларнинг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилмаганлиги ва амалиётга тўлиқ татбиқ этилмаганлигини гувоҳи бўлдик. Шу сабабли касбга тайёрлаш жараёнида талабаларни таълим муҳитига мослашиш кўникмасини шакллантиришда инновацион ҳамда адаптив ёндашувнинг шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни йўлга қўйиш лозим.

Талаба олий таълим муассаса муҳитига мослашар экан, уларда назарий ва амалий билим, кўникмаларни шакллантириш, педагогик амалиёт жараёнида эса ушбу кўникмаларни компетенцияга айланишига,

талабаларнинг касбий фаолиятларини бошлашларида касбий-педагогик компетенцияларни шаклланишига хизмат қилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар адаптив ёндашув асосида талабаларнинг касбий-педагогик компетенцияларини ривожлантириш шарт-шароитларини чуқур илмий таҳлил қилиш ва бу бўйича уни тизимли асосда касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш механизмини ишлаб чиқиш, уни такомиллаштиришни илмий жиҳатдан асослашни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, тўғрисида”ги ҳамда ушбу фаолиятга оид бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Ўтказилган илмий изланишлар ва тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, бўлажак мутахассисларда касбий ва педагогик компетенцияларни шакллантириш муаммолари, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш жараёни ва тенденциялари ҳамда бўлажак кичик мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари Р.Х.Джураев, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Н.А.Муслимов, А.Р.Ходжабаев, Ш.С.Шарипов, Қ.Т.Олимов, Ж.А.Хамидов, О.Х.Тўракулов, Д.О.Химматалиев, О.А.Қўйсинов¹, Ҳ.Ш.Қодиров, Р.К.Чориев, З.Т.Рахимов, Б.Б.Эргашев, З.Ш.Тўхтаева ва бошқа олимларнинг ишларида батафсил ёритилган.

Мамлакатимизда замонавий таълим тенденцияларини бошқаришнинг ташкилий-педагогик концептуал асослари, кадрлар тайёрлашдаги илмий-педагогик муаммолар Ш.Э.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, С.Ю.Ашурова ва М.А.Давлятов каби олимлар томонидан ўрганилган.

Инновацион таълим технологиялари назарияси ва амалиёти бўйича Л.В.Голиш, Н.А.Муслимов, У.Нишоналиев, Н.Сайидахмедов, Ў.Қ.Толипов ва Б.Н.Фарберман ҳамда таълим жараёнида педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммолари бўйича А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимкулов ва Ф.М.Закировалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

¹ Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари. Пед.фан. док. дисс. автореф. Т.:2019. -15 б.

Талабаларнинг олий таълим муассасасида таълимга мослашиши муаммоларининг турли ёндашувлари бўйича Л.Н.Боронина, А.Л.Андреев², Г.В.Безюлёва, С.В.Васильева, С.М.Вишнякова, В.А.Кручинин, Э.О.Леонтёва, Е.И.Муратова, Е.А.Осипов, Е.В.Осипчукова, А.В.Панихина, С.А.Рунова, Р.Р.Хусаинова, Т.Е.Чикина, Л.А.Ясюкова ва бошқалар томонидан атрофлича ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда таълим олувчи шахснинг ривожланиши хусусиятлари D.Bartram³, А.Бандура, А.Н.Леонтёв, А.Маслоу, F.Barron, С.Л.Рубинштейн, R.Dyson, D.Harrison, S.Hoare, O.Lopez-Fernandez, A.Morales, C.Palmer ва S.Sipplлар томонидан тадқиқ қилинган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Профессионал таълим тизимида назария ва амалиёт бирлиги асосида малакали кадрлар тайёрлаш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Адаптив ёндашув асосида талабаларнинг касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Адаптив ёндашув асосида талабаларнинг касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш, адаптив таълим муҳити моҳиятини таҳлил қилиш ва илмий асослаш.

Адаптив ёндашув асосида талабаларнинг касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш.

Адаптив ёндашув асосида талабаларнинг касбий-педагогик компетенцияларини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш.

Талабаларнинг касбий-педагогик компетенциялари компонентлари ва уларнинг даражалари, мезон ва кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти олий таълим муассасаларида профессионал таълим йўналишлари талабаларининг касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқот предмети адаптив ёндашув асосида талабаларнинг касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштириш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид педагогик, психологик ва методик манбалар, дидактик материаллар, ўқув режа ва дастурлар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, суҳбат, кузатиш, анкета сўрови, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

² Андреев, А.Л. Компетентностная парадигма в образовании: опыт философско-методологического анализа // Педагогика. – 2005. - № 4. – С.19-26

³ D.Bartram The Great Eight Competencies: A Criterion-Centric Approach to Validation. Article in Journal of Applied Psychology 90(6):1185-203. November 2005.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таълим жараёнида талабаларда доимий стрессли таъсирларни енгишда (ижтимоий дезадаптация, психо-эмоционал) индивидуал имкониятларини оптималлаштиришга қаратилган адаптив таълим муҳитида касбий-педагогик компетентликни ривожлантириш алгоритми оддийдан-мураккабга ўтиш принциплари асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг таълим жараёнига психологик-педагогик мослаштиришда тьюторлар фаолиятини такомиллаштириш орқали касбий-педагогик компетенцияларини ривожлантириш методикаси касбий мослашишда ижодий-коммуникатив қобилиятларни ва касбий компетенцияларини шакллантиришга қаратилган махсус курси ва унинг дидактик таъминоти асосида такомиллаштирилган;

таълим жараёнида ностандарт мазмун ва когнитив мулоқот ҳамда ижодий хатти-ҳаракатларни ифодаловчи “Freewriting”, “Break pattern”, “Intellectual controversy” ва “Case study” интерфаол услубларни қўллаш орқали касбий-педагогик компетенцияларини ривожлантириш модели адаптив муҳитнинг мотивацион, когнитив, дидактик ҳамда коммуникатив компонентларини тизимлаштириш натижасида такомиллаштирилган;

адаптив ёндашув асосида талабаларнинг касбий ва педагогик компетенцияларини ривожланиш даражаси (юқори, ўрта, паст) мезонлари ва кўрсаткичлари диагностик воситалар асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари “Профессионал таълим” йўналишлари ўқув режаларидаги умумкасбий фанлари блокига кирувчи “Ижтимоий педагогика”, “Касбий психология”, “Касбий педагогика” фанларидан талабаларнинг олий таълим муассасаларига педагогик мослашишини ташкил этишга қаратилган, талабалар ва ўқитувчиларга мўлжалланган ўқув-дидактик ва ахборот таъминоти, жумладан, олий таълим муассасаларида талабаларни ўқитишнинг концептуал (conceptual), мазмунли-технологик (meaningful-technological), баҳолаш-аналитик (evaluation and analytical) каби функционал хусусиятлари ҳамда ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш бўйича “Талабаларнинг таълим жараёнига психологик-педагогик мослашишнинг амалий жиҳатлари” номли услубий кўрсатма, бакалаврият таълим йўналишлари учун “Нутқ маданияти” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

талабаларнинг олий таълим муассасаларида адаптив таълим муҳити механизмларини ҳамда касбий-педагогик компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган «Касбий психология» ва “Нутқ маданияти” фанлари бўйича электрон таълим ресурслари яратилган, шунингдек “Касбий педагогика” фани бўйича намунавий дастур ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

олий таълим муассасаларида адаптив таълим муҳити компонентлари (мотивацион, коммуникатив, интеллектуал, амалий, рефлексив, креатив) асосида талабаларнинг касбий-педагогик компетенцияларини

ривожлантириш методлари талабаларнинг креатив қобилиятларини объектив аниқлашга имкон берувчи “Тьюторлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар” номли услубий кўрсатма ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик таҳлиliga асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, таълим муҳитидаги адаптив ёндашувлар, адаптив муҳит, касбий компетенция, педагогик компетенция, касбий мослашиш каби тушунчалар аниқлаштирилган, адаптив муҳитнинг таркибий қисмлари, адаптив муҳит тузилмаси ишлаб чиқилган, талабаларнинг мослашишларида зарурий компетенциялар аниқлаштирилган; талабаларнинг адаптив ёндашув асосида касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилган, шунингдек, адаптив таълим муҳитида ўқитишнинг ўзига хос босқичлари, уларни баҳолаш мезон ва даражалари танланган ва асосланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: талабаларнинг адаптив ёндашув асосида касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштириш моделининг самарали натижаси учун педагогик шарт-шароитларни аниқлаш ва синовдан ўтказиш; талабаларнинг ўқув жараёнига педагогик ва касбий мослашишига ёрдам берувчи “Талабаларнинг таълим жараёнига психологик-педагогик мослашишнинг амалий жиҳатлари” ва “Тьюторлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар” номли услубий кўрсатмалар, “Талабаларнинг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш” номли монография, шунингдек талабаларнинг касбий ва педагогик компетенцияларини янада ривожлантириш бўйича “Талабаларнинг касбий ва педагогик компетенцияларини ривожлантириш” махсус курс дастури ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларидан талабаларнинг ўқув-тарбия ва ишлаб чиқариш жараёнидаги касбий-педагогик компетенцияларининг ривожланишида ҳамда талабаларни касбий фаолиятга йўналтириш, саралаш, тайёрлаш, мослашиш, фаолият олиб бориши, касбий аттестация, касбий реабилитация каби босқичларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

талабаларнинг адаптив ёндашув асосида касбий ва педагогик компетенцияларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

таълим жараёнида талабаларда доимий стрессли таъсирларни енгишда (ижтимоий дезадаптация, психо-эмоционал) индивидуал имкониятларини

оптималлаштиришга қаратилган адаптив таълим муҳитида касбий-педагогик компетентликни ривожлантиришга доир таклифлар ва тавсиялар “Профессионал таълими” йўналишлари ўқув режаларидаги умумкасбий фанлари блокига кирувчи “Касбий педагогика”, “Ижтимоий педагогика” ва “Касбий психология” фанлари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 24 августдаги 89-05-64-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида касбий фанларни ўқитишда талабаларда касбий фойдага қизиқиш ва эҳтиёжи, касбий компетентлиги, касбий хулқ атвори, касбий рефлексияга йўналтирилган ўқув жараёнини ташкил этилган;

талабаларнинг таълим жараёнига психологик-педагогик мослаштиришда тьюторлар фаолиятини такомиллаштириш орқали касбий-педагогик компетенцияларини ривожлантиришга, педагогик мослашишда ижодий-коммуникатив қобилиятларни ва касбий малакаларни шакллантиришга қаратилган махсус курси ва “Талабаларнинг таълим жараёнига психологик-педагогик мослашишнинг амалий жиҳатлари” ҳамда “Тьюторлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар” ўқув дидактик таъминоти, касбий-педагогик компетенцияни баҳолаш материаллари ишлаб чиқилган ва олий таълим муассасалари ўқув-тарбиявий жараёнига жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 24 августдаги 89-05-64-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг ўқув жараёнига мослашишларида тьюторлар олиб бораётган ташкилий ва тарбиявий ишларнинг илмий-услубий таъминоти кучайтирилган;

таълим жараёнида ностандарт мазмун ва когнитив мулоқот ҳамда ижодий хатти-ҳаракатларни ифодаловчи “Freewriting”, “Break pattern”, “Intellectual controversy” ва “Case study” интерфаол услубларни қўллаш орқали касбий-педагогик фаолиятга мослашувчан талаба шахсини ривожлантириш методикаси «Касбий психология» фани бўйича электрон таълим ресурси ҳамда “Нутқ маданияти” ўқув қўлланмаси мазмунида акс эттирилган ва Жиззах политехника институти, Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти ҳамда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ўқув жараёнига татбиқ қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 24 августдаги 89-05-64-сон маълумотномаси). Натижада талабаларни олий таълим муассасаси ўқув жараёнига педагогик мослашишининг ижтимоий, психологик ва педагогик имкониятлари кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган «Касбий психология» (№ DGU06812) ва

“Нутқ маданияти” фанлари бўйича (№ DGU18808) электрон таълим ресурслари, 2 та услубий кўрсатма, махсус курс дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, шундан 9 та республика илмий-услубий журналларида, 6 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, 127 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адаптив ёндашув асосида талабаларнинг касбий педагогик фаолиятга мослашишининг илмий-назарий асослари”** номли биринчи бобида талабаларнинг ўқув жараёнига мослашишининг концептуал асослари, талабаларнинг олий таълим шароитларига мослашишининг педагогик ва психологик аспекти, талабаларнинг олий таълимга мослашишида касбий-педагогик компетенцияларнинг роли ва аҳамияти ҳамда адаптив муҳитга ёндашув масалалари, шунингдек илмий-тадқиқот ва услубий ишлар таҳлили, муаммолари ҳамда хорижий тажрибалар ҳақида маълумотлар ва тавсиялар келтирилган.

Касбий-педагогик фаолиятга мослашиш жараёни қуйидаги босқичларнинг изчил ворислиги ҳисобланади: касбга йўналтириш, касбий ўзини ўзи белгилаш, касбий тайёргарлик, бевосита касбий ҳамда педагогик (англаш) фаолият.

Мослашиш тушунчасига ижтимоий ёндашувни талқин этиш, олий таълим жараёнига талабаларнинг касбий мослашиш ва касбга тайёргарлик ҳолатлари, касбий фаолиятга мослашишнинг шаклланиши масалаларини республикамиз олимлардан А.Давлетшин, Э.Ғозиев, С.Ахмадалиев, Н.Исматова Ғ.Шаумаров, Ш.Халилова, Н.А.Муслимов, У.Н.Нишоналиев, М.Б.Бекмуродов, И.А.Газизова, Б.Ҳ.Рахимовлар, О.Э.Хайитов⁴, Д.И.Мукумова⁵; МДҲ мамлакатлари олимларидан О.А.Абдуллин, В.А.Сластенин, Н.В.Кузмин, И.А.Шчербаков, С.В.Елканов, Ю.Лвова, И.А.Карпюк, Л.Н.Лесохина, М.Я.Педаяс, Г.М. Федосимов, Т.В.Шадрина ва бошқалар инсоннинг адаптив муҳитга мослашишида ўз ўрни ва мавқеига эга

⁴ О.Э.Хайитов Олий таълим муассасаси ўрта бўғин раҳбарлари психологик компетентлигини моделлаштириш. Психол.фан. док. дисс. автореф. – Т.:2021 й.

⁵ Д.И.Мукумова Талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш. Пед.фан. ном. дисс. автореф. – Т.:2018 й.

бўлиши билан боғлиқ масалаларни ҳамда талабаларнинг компетентлиги, ижодкорлиги, ўз фаолиятида ўзини ўзи назорат қила олиши, талабаларнинг педагогик жараёнга мослашиши ҳамда адаптив ёндашув асосида талабаларнинг касбий-педагогик компетенцияларини ривожлантириш бўйича тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Юқоридаги бир қанча олимларнинг фикрларича мослашиш - мослашувчанликни яратувчи жараён бўлиб, шахснинг янги муҳитни тез ўзлаштириб олиши, интеллект жараёни орқали билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишидир, дея таъриф келтирилган. Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, биз мослашишга ўз муаллифлик таърифимизни келтирамыз:

Мослашиш - бу олий таълим шароитидаги талабаларнинг турли вазиятларга мослашишларига имкон берувчи усуллар, фаолият шакллари ҳисобланиб, талабаларнинг касбий фаолиятларидаги кескинлик даражасини камайтириш ва уларнинг адаптив қобилятини ошириш, таълим жараёнидаги фаолиятларини рағбатлантириш тушунилади.

Касбий мослашиш (адаптация) – бу инсоннинг касбга киришиб кетиши ва унинг фаолиятининг касбий муҳит билан уйғунлашиб кетиши жараёнидир. Мутахассисни мураккаб, экстремал ва ноанъанавий характерга эга бўлган фаолиятга тайёрлаш ўзига хос тарзда амалга оширилади. Мутахассиснинг касбий фаолиятга муваффақиятли киришиб кетиши мослашиш жараёнлар билан бирга уйғунликда кечиши тушунилади.

Мутахассиснинг касбий мослашишига таъсир кўрсатувчи ички шарт-шароитлар ва омиллар - бу унинг мослашиш имкониятларининг даражаси, шахснинг ва организмнинг ўзига хос сифатлари бўлган ривожланиш ва мослашувчанлик даражаси, касбий мослашиш талабларига унинг мотивациясининг мос келиши ҳисобланса, ташқи шарт-шароитлар, инсоннинг касбий мослашиш соҳалари ва тармоқлари асосий, аниқловчи ролни ўйнайди.

Талабаларнинг касбий мослашиш жараёни касбий фаолиятнинг асосий соҳаларида амалга ошириш, касбий мослашишда шахс ва муҳит ўртасидаги қарама-қаршиликлар, шахснинг эҳтиёжли ҳолатлари, инсоннинг ҳимояланиш характеридаги ҳолати ҳамда шахс ва муҳит ўртасидаги қарама-қаршиликлар асосий ўринларни эгаллайди.

Мутахассиснинг касбий адаптацияси унинг муҳит билан касбий жиҳатдан ўзаро боғланишларининг асосий соҳаларида амалга оширилади:

1. Касбий фаолият соҳасида - касбий фаолиятга мослашувчанлик (унинг мақсадлари, мазмуни, технологиялари, амалга ошириш воситалари, фаолиятнинг тартиби ва жадаллиги);

2. Ташкилий-меъёрий соҳада - ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми, ташкилий қоидалар ва меъёрлар ва бошқа талабларга мослашувчанлик;

3. Ижтимоий-профессиял соҳада - касбий-ролли ижтимоий вазифаларга ва ижтимоий-касбий жиҳатдан мавқеига мослашувчанлик;

4. Ижтимоий-психологик соҳада - ижтимоий вазифалар, норасмий меъёрлар, қоидалар, қадриятлар, ташкилотдаги ва меҳнат жамоасидаги муносабатларга мослашувчанлик;

5. Кенг маънодаги ижтимоий соҳада - мутахассиснинг касбий фаолияти кечадиган ижтимоий шарт-шароитларга мослашувчанлик, яъни ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа муҳитларда.

Талабаларнинг касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштириш жараёнига адаптив ёндошиш муҳитнинг роли, талабаларнинг ушбу муҳитга самарали мослашиши, уларнинг ташкилотчилик, креатив ва коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш, шунингдек адаптив таълим муҳитини таъминлашда ўқитишнинг ўзига хос босқичлари, талабаларнинг касбий - педагогик компетенцияларини янада ривожланганлигини аниқлаш ҳамда таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Талабаларнинг касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштиришда адаптив ёндашувнинг ўзига хос хусусияти аниқланди ҳамда анъанавий ва адаптив ёндашувларнинг қиёсий тавсифи таҳлил қилинди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Таълим тизимида анъанавий ва адаптив ёндашувларнинг қиёсий таҳлили

№	Таълим жараёни элементлари	Анъанавий ёндашув	Адаптив ёндашув
1	Олий таълим тизими доирасидаги таълим муҳити	Талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари шаклланади	Таянч, умумкасбий ва махсус компетенциялар ривожлантирилади
2	Педагогик ва касбий жараённи ташкил этиш ва амалга ошириш	Қабул қилинган норма ва қоидалар (анъанавий методлар)	Таълим муҳитини танлаш ҳуқуқи (ўзгарувчан шароитга мослашиш)
3	Фаолиятни мотивлаштириш	Рағбатлантириш мотивларининг умумийлиги	Ижтимоий характерга эга бўлган педагогик қўллаб қувватлаш
4	Таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш	Педагогик ва мутахассислиги доирасида билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишига йўналтирилади	Талабаларнинг касбий ва педагогик фаолиятида компетенцияларни ривожланишини аниқлашга йўналтирилади

Олий таълим тизими доирасидаги таълим муҳити анъанавий ёндашув асосида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари шаклланишига йўналтирилса, адаптив ёндашувда эса таянч, умумкасбий ва махсус компетенциялар ривожлантирилишига қаратилади;

педагогик ва касбий жараённи ташкил этиш ҳамда амалга оширишда таълим муҳитини танлаш ҳуқуқи, яъни талабаларнинг ўзгарувчан таълим шароитларига мослашишларини назарда тутати;

фаолиятни мотивлаштиришда ижтимоий характерга эга бўлган педагогик қўллаб қувватлаш муҳим аҳамият касб этади; таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолашда эса талабаларнинг касбий ва педагогик фаолиятида компетенцияларни ривожланишини аниқлашга йўналтиришга қаратилиши лозим;

таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолашда эса анъанавий ёндашувда педагогик ва мутахассислиги доирасида билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишига йўналтирилса, адаптив ёндашувда эса талабаларнинг касбий ва педагогик фаолиятида компетенцияларни ривожланишини аниқлашга йўналтиришга қаратилади.


Умумлаштирилган мезонлар талабаларда касбий фаолият мотивларининг шаклланиши; танлаган касби ва таълим муассасасига нисбатан ижобий муносабат, келгусида фаолият кўрсатадиган касбига мослашишига таъсир қилувчи ташқи ва ички шартлар ва омилларни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Адаптив ёндашув асосида касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштириш методикаси”** деб номланган бўлиб, унда талабаларнинг ўқув жараёнига мослашишларидаги зарурий компетенциялар мажмуи, компетенция, касбий компетенция тушунчалари моҳияти, талабаларнинг адаптив ёндашув асосида касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштириш модели, талабаларнинг олий таълим муассасасига педагогик мослашишини адаптив механизмлари компонентлари ҳамда педагогик шарт-шароитлари ҳақида фикр юритилган.

Касбий компетенция мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йуналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилиши ҳамда уларга педагогик ёндашишни назарда тутди.

Ҳозирги кунда ўқув предметлари бўйича фақатгина билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишнинг ўзи етарли эмаслиги маълум бўлмоқда. Шунга кўра таълим жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини амалиётда қўллашга ўргатадиган компетенциявий ёндашувга асосланган ДТСларни яратиш ва таълим жараёнига қўллаш зарурияти юзага келди. Бунда билим, кўникма ва малакалар ҳамда фаолият усулларини комплекс ҳолда мақсадли қўллаш; турли ўқув предметлари ва таълим соҳалари мазмунининг таркибий қисмига адаптив ва компетенциявий ёндашиш; конкрет масалаларни ечишда назарий билимларни амалиётда фойдаланиш билан интеграцияланиши.

Олий таълим муассасаларига ижтимоий, педагогик, психологик ва касбий мослашиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда ўрганилаётган барча муҳим муаммоларни камраб олади. Бир қатор тадқиқотлар натижасидан келиб чиқиб, биз томонимиздан адаптив ёндашув асосида касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Талабаларнинг адаптив ёндашув асосида касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштириш модели

Талабаларининг адаптив ёндашув асосида касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштириш модели ташкилий-педагогик блок, таҳлилий-нативавий ҳамда назорат қилиш блокларидан иборат. Моделнинг асосий мақсади талабаларнинг адаптив ёндашув асосида касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштириш этиб белгиланган. Бу мақсадни амалга ошириш учун касбий-педагогик мослашишга асос бўлган психологик ҳамда педагогик муҳитнинг турлари аниқланди, яъни: тарбиявий таълим муҳитида мустақил тарзда тарбиявий фаолиятни ўзлаштириш, интеллектуал ва умумий академик кўникмаларни ривожлантириш фаолияти амалга оширилади; ижтимоий-психологик муҳити – талабаларнинг коммуникатив кўникма ва адаптив қобилиятларни ривожлантириш даражасини ошириш, гуруҳда шахслараро адаптив муҳит муносабатларини ўрнатишни ташкил этади; касбий муҳит - касбий фаолиятга мослашишнинг мақсадлари ва шароитлари, касбий ҳамда педагогик вазифаларга талабаларнинг мослашиши назарда тутилади; педагогик муҳит - меҳнат фаолияти, ташкилий-тарбиявий тадбирлар, устоз-шогирд тизими, педагогик кўникма ва малакалар ҳамда педагогик маҳоратни шакллантириш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Таълим муҳитига адаптив ёндашувнинг тизимли, компетентли, шахсга йўналтирилган, фаолиятли ҳамда технологик ёндашувлари алоҳида белгилаб ўтганмиз. Ушбу ёндашувлардан келиб чиқиб талабаларнинг таълим муҳитига касбий-педагогик мослашишларининг ўзига хос компонентларини белгиладик: мотивацион, коммуникатив, амалий, касбий, педагогик ҳамда рефлексив.

Талабаларни олий таълим муҳитига касбий-педагогик мослашишининг педагогик шарт шароитларини қуйидагича белгиладик: педагогик билимларни ошириш, касбий маҳоратни ривожлантириш; адаптив ёндашув асосида ижтимоий муҳитга мослашишни ташкил этиш; ўз-ўзини ривожлантириш учун қизиқиш уйғотиш; касбий-педагогик компетенцияларни ривожлантиришда талабаларнинг педагогик фаолиятини янада фаоллаштириш; таълим ва ижтимоий шароитга мослашишда педагогик ва психологик муҳитни янада яхшилаш.

Биз талабаларнинг адаптив ёндашув асосида касбий ва педагогик компетенцияларини такомиллаштиришга унинг методик асосларини янада ривожлантириш орқали эришдик. Бунда талабаларнинг ўқув жараёнида адаптив ёндашув асосида ўқитишнинг босқичларини қуйидагича кетма-кетликда олиб борилиши – касбий тайёргарлик босқичи; касбий мослашиш босқичи ҳамда касбий фаолият босқичлари орқали. Ушбу босқичларда таълим шакллари, методлари ва уларга асосида дидактик материаллар ва воситаларни ҳам такомиллаштирдик. Унга кўра талабаларнинг касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштиришда таълимнинг маъруза, амалий машғулотлар, мустақил таълим ҳамда тўғарақларда янги инновацион методлар: “Freewriting”, “Break pattern”, “Intellectual controversy” ва “Case study”, “Кеттель технологияси” методикалар ҳамда дидактик материаллар ва

воситалар hemis.ttiame.uz онлайн ўқув дастурлари, moodle.uz веб сайтларидан мустақил равишда фойдаланиши, шунингдек ахборот коммуникация технологияларини амалиётда қўллай олишлари талабаларнинг адаптив таълим муҳити шароитида касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштиришида яхши самара бериши илмий исботланди.

Талабаларни касбий-педагогик компетенцияни такомиллаштиришда мотивацион, коммуникатив, интеллектуал, амалий, рефлексив, креатив мезонлар асосида талабаларнинг касбий-педагогик компетенцияларини юқори, ўрта, паст даражалар орқали баҳолаш кўрсаткичлари белгиланди.


Таълимга адаптив ёндашувнинг муҳим хусусиятлари қуйидагилардир: талабаларнинг ақлий ва психологик ҳолати ҳамда физиологик саломатлигини сақлаш; аудиторияда қулай таълим муҳитини яратиш; педагогик технологиялар ёрдамида талабаларни рефлексив ўқитиш; ўқитувчиларнинг доимий касбий ривожланишига эришиш; таълим жараёнидаги барча иштирокчиларнинг мослашувчан ўзаро таъсирини амалга ошириш.

Адаптив ёндашувни амалга ошириш – таълим олиш жараёнидаги таянч ва зарурий компетенцияларнинг шаклланишига олиб келадиган ҳаракатлар мажмуаси; уларни баҳолаш модуллар бўйича компетенцияларининг шаклланиши, талабаларнинг компетенция даражалари, компетенцияларнинг шаклланишида аудитория ва мустақил таълим турларининг ролини аниқлаш; таълим жараёнининг тузилиши ва ташкил этилиши; таълимга адаптив ёндашиш компонентларини баҳолаш тизимини ташкил этиш; баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва ҳужжатларни шакллантириш каби ҳаракатлар мажмуидир.

Талабаларининг касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштиришда биз “Intellectual controverse” методикасидан фойдаланишни таклиф этамиз. “Интеллектуал контроверс” (фр. “controverse”-тортишув-беллашув) методи ўқув машғулотларининг қизиқарли ўтиши учун мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашишларини таъминлашга хизмат қилади.

“Интеллектуал контроверс” методининг афзалликлари талабалар ўрганилаётган мавзу юзасидан баҳс юритилиши, зарур бўлган муаммо танлашда креатив ёндошадилар, янги мавзу юзасидан алоҳида талаба, гуруҳ ёки жуфтликлар томонидан билдириладиган фикрларни талабаларнинг ўзлари мастақил равишда таҳлил қилишларига эришилади, бу эса талабаларнинг педагогик компетенцияларини ривожлантиришда ёрдам беради.

Қуйидаги расмда “Касбий педагогика” фани мисолида “Ижтимоийлашув омиллари ва воситалари” мавзуси бўйича “Интеллектуал контроверс” методи қўлланилган (2-расмга қаранг).



2-расм. “Intellectual controversy” методикасининг қўлланилиши

Биз юқори талабаларнинг машғулот жараёнида ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини такомиллаштириш методларни фойдалана олиши, уларнинг интеллектуал, қадриятли, ахлоқий, коммуникатив даражаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш кўникмаларига эга бўлиш, машғулотлада кўпроқ талабаларнинг фаоллигига эришиш, уларнинг мустақил қарор қабул қила олишлари, шунингдек мавзуларга доир ўқитиш методикасини танлай олишларига эришишни муҳим сифат деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг учинчи боби **“Талабаларнинг касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштириш бўйича тажриба ишлари”** деб номланиб, ўқув жараёнида касбий-педагогик компетенциялари даражасини аниқлашда талабаларни умумкасбий фанларни ўзлаштириш билан бир қаторда махсус фанларни ҳам ўзлаштиришга қаратилган масалалар ўрганилиб, назарий ва амалий, инновацион, креатив, рационал ва иррационал, танқидий ва техник тафаккурни шаклланиш хусусиятлари ҳамда талабаларда адаптив муҳитга мослашиш хусусиятлари, уларнинг касбий фойлиятга қизиқиш ва эҳтиёжи, касбий компетенцияларининг

шаклланганлиги, касбий хулқ атвори, касбий рефлексия ва унинг талабаларга йўналтирилганлигига асосланганлига ҳамда талабаларнинг касбий-педагогик компетенцияларининг даражалари бўйича тажриба-синов ишлари ёритиб берилган.

